

ТАБИЙ КАПИТАЛНИ ТАРИХИЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАЛҚИНИ

Урунбаев Сапарбек Саматович

Тошкент архитектура-қурилиш университети «Иқтисодиёт» кафедраси катта ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11112366>

Аннотация: Табиий капитал иқтисодий ривожланиш учун имконият кўлами деб ҳам аташ мумкин. Ресурслар тўқислиги одатда иқтисодий қийинчиликлардан чиқиш йўлларини кўпайтиради. Иқтисодиётнинг ўсишини таъминлаш яшил иқтисодиётнинг ривожланишига ҳеч қандай тўсиқ қўймайди, лекин иқтисодий табиий капиталга етказилган зарарни ҳисобга олмаслик нотўғри иқтисодий қарорларга олиб келади. Чунки, табиий капитални қиймати ҳақиқатда мавжуд эмас, фақат табиий ресурслар билан таъминлаш функциялари тор маънода баҳоланади. Бу эса табиий капиталнинг кўплаб функцияларини эътиборсиз қолдиришига олиб келмоқда ва шу асосда глобал экологик муаммоларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда. Ушбу мақолада, Табиий ресурсларнинг капитал хусусиятини очиқ беришида, шунингдек ишлаб чиқаришнинг табиий омилларини тан олишига асосланган тарихий-иқтисодий ёндашувлари ўрганилиб чиқилган.

Калит сўзлар: Табиий капитал, барқарор ривожланиш, Киото протоколи, амортизация, тенденция, экологик мувозанат, унумдорлик, глобал иқлим ўзгариши, табиий ресурс.

Аннотация: Природный капитал можно также назвать масштабом возможностей экономического развития. Истощение ресурсов обычно увеличивает количество способов выхода из экономического кризиса. Обеспечение экономического роста не является препятствием для развития зеленой экономики, но неучет ущерба экономическому природному капиталу приводит к неверным экономическим решениям. Поскольку стоимости природного капитала в действительности не существует, в узком смысле оцениваются лишь функции обеспечения природными ресурсами. Это приводит к пренебрежению многими функциями природного капитала и на этой основе вызывает возникновение глобальных экологических проблем. В данной статье исследуются историко-экономические подходы, основанные на признании природных факторов производства в раскрытии капитальной природы природных ресурсов.

Ключевые слова: Природный капитал, устойчивое развитие, Киотский протокол, девальвация, тренд, экологический баланс, продуктивность, глобальное изменение климата, природный ресурс.

Annotation: Natural capital can also be referred to as the scope of economic development opportunities. The depletion of resources usually increases the number of ways to overcome an economic crisis. Ensuring economic growth is not an obstacle to the development of a green economy, but failure to take into account damage to economic natural capital leads to poor economic decisions. Since the value of natural capital does not actually exist, in a narrow sense only the functions of providing natural resources are assessed. This leads to neglect of many functions of natural capital and on this basis causes the emergence of global environmental problems. This article examines historical and economic approaches based on the recognition of natural factors of production in revealing the capital nature of natural resources.

Keywords: Natural capital, sustainable development, Kyoto Protocol, devaluation, trend, environmental balance, productivity, global climate change, natural resource.

Бугунги кундаги иқтисодий ўсиш асосан табиий капиталнинг камайишига асосланмоқда. Табиий капиталнинг чекланганлиги келажакдаги иқтисодий тенденцияларни сақлаб қолиш ва аҳоли фаровонлигининг барқарор ўсишини таъминлай олмайди.

Замонавий иқтисодиётда капитал турларининг ўзаро алмашинувчанлиги ва бири-бирини тўлдириши ғояси мавжуд. Мазкур ғоя капиталнинг бир турининг камайиши маълум даражада бошқасининг кўпайиши билан қопланиши мумкинлигини англатади. Бирок, ривожланган мамлакатларда иқтисодий ривожланишни таъминлаш учун табиий капиталнинг мажбурий қисқариши ҳисобига капиталнинг бошқа турларини кўпайтириш фаоллашмоқда. Бу эса бирламчи хомашёни яқуний маҳсулотлар билан боғлайдиган табиий занжирнинг технологик самарадорлигини ошириш ёки табиий ресурсларни иқтисодий айланмага жалб қилишни камайтиришга қаратилган технологик ечимларни талаб этмоқда.

Аксарият мамлакатларда табиий капитал фақат табиий ресурслар сифатида талқин қилинмоқда. Барқарор иқтисодий ўсиш учун табиий ресурсларнинг бошқа функцияларини ҳисобга олиш йўлга қўйилмаган. Бошқача айтганда, табиатнинг барча таркибий қисмларини иқтисодий аҳамияти ва ҳар қандай капиталга мос келадиган фойда олиш қобилияти эътибордан четда қолмоқда.

Жаҳон мамлакатларида чучук сув захиралари, ўрмон ресурслари, иқтисодий фаолият таъсир қилмайдиган экотизимлар ва табиий биохилма-хиллик табиий капиталининг муҳим таркибий қисмини ташкил қилади. Иқтисодий кўрсаткичларда табиий капиталга етказилган зарарнинг ҳисоби йўқлиги ёки камдан кам ҳолларда баҳоланиши нотўғри иқтисодий қарорларга олиб келади. Чунки, табиий капитални қиймати ҳақиқатда мавжуд эмас, фақат табиий ресурслар билан таъминлаш функциялари тор маънода баҳоланади. Бу эса табиий капиталнинг кўплаб функцияларини эътиборсиз қолдиришга олиб келмоқда ва шу асосда глобал экологик муаммоларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда.

Табиий капиталнинг ресурс функцияси маълум бўлса-да, уни тартибга солувчи иқтисодий талқини тўлақонли очиб берилмаган ва бу борада кўплаб халқаро ташкилотлар томонидан изчил тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Киото протоколининг (1997 йилда қабул қилинган ва 2005 йилда кучга кирган) глобал иқлим ўзгаришини олдини олиш механизмлари табиий капитал талқинини кенгайтириш ва унинг функцияларининг иқтисодий аҳамиятини англаш учун жуда муҳим предметга айланди.¹ Ушбу механизмлар иқтисодиёт назарияси, барқарор ривожланиш назарияси ва табиий капиталнинг пул функцияларини кенгайтиришга имкон берган. Умуман олганда, Киото протоколи табиий капиталнинг илгари ҳисобга олинмаган функцияларини баҳолаш ва товар сифатида талқин қилишнинг илк намунасидир.

Аслида табиий капитални иқтисодий талқини биринчи бўлиб физиократлар мактаби вакиллари томонидан очиб берилган. Бунда Ф.Кенэ бойликни шакллантириш манбаи сифатида ер ресурсларидан фойдаланишни қиймат яратишда ернинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб берган.²

Шунингдек, табиий ресурсларнинг ишлаб чиқариш омили сифатида аҳамиятини илмий асослаш классик мактабни шаклланиш даври ҳисобланади. У.Петти бойликни ўлчаш

¹ Киотский протокол к Рамочной конвенции Организации Объединенных Наций об изменении климата. https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/kyoto.shtml

² Кенэ Франсуа. Избранные экономические сочинения. – М.: Директмедиа Пабблишинг, 2008. – С. 296-301. <https://djvu.online/file/wFAR5HJrbWU0m>

ва кўпайтириш усулларини тадқиқ этиб, ерни бойликнинг бошланғич элементи сифатида ажратиб кўрсатган.³ А.Смит даромадларни тақсимлаш жараёнини таҳлил қилар экан, табиат маҳсулоти ёлланган ишчилар меҳнати маҳсули билан бир қаторда ўзига хос қийматга эга эканлигини асослаб берган. Жумладан, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти иш ҳақи ва амортизациядан ташқари ижара ҳақини ҳам олиб келади, бу эса ердан фойдаланганлик учун тўлов сифатида монополь нархни ифодалайди.⁴ Д.Рикардо рента назариясини ривожлантириб, ернинг қийматини белгилаган. Унинг фикрича, рентанинг мавжудлиги табиатнинг саҳийлиги эмас, балки ернинг етишмаслиги ифодалайди.⁵

М.Блауг классик мактабнинг илмий ёндашувларига қарши чиқиб, қуйидагиларни таъкидлайди: “классик маънода ер асосан иқтисодий ресурс эмас, балки жисмоний ҳисобланади. Классиклар табиат маҳсулотини ишлаб чиқаришни қайтариб бўлмайдиган омили, деб билишади. Бироқ, олдинги авлодлар томонидан яхшиланган ва маълум бир сифатни сақлаб қолиш учун харажатларни талаб қиладиган ер – капиталнинг ифодасидир.⁶ Бундай ёндашувда ер таъмирланиши керак (мелиорация, суғориш ва ҳоказо) ва такрор ишлаб чиқариладиган товар сифатида интенсив (илмий-техник тараққиёт) фойдаланиш назарда тутилган.

Ж.Б.Сэй ишлаб чиқариш омиллари назариясида меҳнат ва капитал қийматни шакллантиришда ернинг тенг равишда иштирок этишини алоҳида таъкидлаб ўтган.⁷

Кўриниб турибдики, ер асосий иқтисодий ресурс сифатида ишлаб чиқариш жараёнларида чекланганлиги ва алмаштириб бўлмаслиги билан белгиланган. Шу билан бирга, аҳолининг ўсиб бориши эҳтиёжлар тузилишини ўзгартириши ва бунда ишлаб чиқариш омиллари ортиб бораётган даромадни талаб қилиши асосланган. Бу эса табиатга антропоген таъсирнинг кучайиши, экологик мувозанатнинг бузилиши ва табиий ресурсларнинг камайиши билан тавсифланди.

Бу даврда табиий капитал назарияси ер ресурсларининг репродуктив циклдаги ишлаб чиқариш воситаларига нисбатан бирламчи бўлганлигини кузатиш мумкин. Чунки, ер маълум бир унумдорлик, географик жойлашуви билан ажралиб туради, ўрмон ва қишлоқ хўжалиги учун объект бўлиб хизмат қилади, фойдали қазилмалар захираларини ўз ичига олади ва ишлаб чиқариш таркибини белгилайди.

Иқтисодий ривожланишнинг табиий муҳитга таъсирини баҳолаш масалалари илк бор 1861 йилда Ж.С.Милл томонидан тақдим этилган. Унинг фикрича, фойда ставкасининг пасайиш тенденцияси мавжуд бўлиб, маълум бир соҳада капитал миқдорининг кўпайиши ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши чегараланган ва бу иқтисодий турғунликни вужудга келтиради. Бундан ташқари, миллий бойлик ва аҳолининг кўпайиши туфайли эришилган иқтисодий ўсиш атроф-муҳит учун ҳалокатли оқибатларга олиб келиши мумкин.⁸ Кўриниб турибдики, бугунги кундаги барқарор ривожланиш муаммосини ўтган асрларда интуитив (ҳиссий идрок) равишда талқин қилиш бошланган.

³ Столярова И.А. Антология экономической классики: В.Петти, А.Смит, Д.Рикардо. - М.: Ключ, 1993. – С. 99.

⁴ Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. - М.: АСТ, 2017. - С. 188-189.

⁵ Рикардо Д. Начала политической экономии и налогового обложения. – М.: Эксмо, 2007. – С. 144.

⁶ Блауг М. Экономическая мысль в ретроспективе. - М.: Дело, 1994. – С. 76.

⁷ Сэй Ж.Б. Трактат по политической экономии. - М.: Дело, 2000. – С. 20-22.

⁸ Милль Дж. С. Основы политической экономии с некоторыми приложениями к социальной философии. - М.: Прогресс, 1981. – С. 44-47.

Неоклассик мактаб намоёндалари ҳам табиатнинг бойлик манбаи сифатидаги аҳамиятини эътибордан четда қолдирмади. Л.Вальраснинг тадқиқотларида асосий ва айланма капиталнинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилиниб, ресурс захиралари оқими ва шу асосда олинма даромадлар ўртасидаги туб фарқни шакллантирган. Узоқ муддатда умуман сарфланмайдиган ёки фақат вақт ўтиши билан сарфланадиган ҳар қандай ижтимоий бойликни асосий капитал таркибига киритган. Айланма капитални “даромад” ёки “дарҳол сарфланадиган ижтимоий бойликнинг барча шакллари”, деб атаган.⁹

И.Фишер капиталнинг намоён бўлишининг турли шакллари хисобга олган ҳолда, маълум вақт давомида даромад оқимини яратишга имкон берадиган барча жараёнларни кўриб чиқишни таклиф қилди. Мазкур ёндашувда ҳар қандай даромад капитал хисобланади, узоқ вақт давомида тўпланиши ва ишлатилиши мумкин бўлган, даромад келтирадиган ҳар қандай товар захираси капиталга айланади. Капитал – олинма даромад оқимининг капитални кўпайтириш харажатлари оқимидан ошиб кетиши билан тавсифланади, деган хулоса ҳам алоҳида эътиборга лойиқдир.¹⁰ Шу нуқтаи назардан, ер капитал сифатида ишлаб чиқариш захираси хисобланади ва бу захира миқдор ва сифат жиҳатидан қанчалик катта бўлса, унинг эгалари келажакда шунча кўп даромад кутишлари мумкин.

А.С.Пигу умумий фаровонликни таҳлил қилиб, барқарор ривожланишга жамиятдаги хавфсизлик даражаси, атроф-муҳит ҳолати ва бошқа хисобга олинмайдиган омиллар ҳам таъсир қилишини таъкидлайди. Унинг фикрича, ишлаб чиқариш кўпинча атроф-муҳитнинг ифлосланиши билан бирга келади.¹¹ Шунинг учун ташқи харажатларни ички харажатларга ўтказиш ва атроф-муҳитнинг ифлосланиши билан боғлиқ бўлган фаолиятни солиққа тортадиган тизимни таклиф қилган.

Юқоридаги тадқиқотларни умумлаштирган ҳолда таъкидлаш лозимки, “табиий капитал” атамасини илмий муомалага киритиш ишлаб чиқаришнинг табиий омилларини тан олишга асосланган. Табиий ресурсларнинг капитал хусусиятини очиб беришда табиий ресурсларни камайиши ва уларни кўпайтиришга сармоя киритиш зарурати, барқарор ривожланиш ва даромад оқимини хисобга олинган. Айниқса, жаҳонда аҳоли жон бошига табиий ресурсларни камайиши ва табиий капиталга талабни ошиб бориши бўйича башоратлар қилинган.

REFERENCES

1. Вахабов А.В, Хажибакиев Ш.Х. “Яшил иқтисодиёт” -Тошкент: Университет, 2020, 262 б.
2. Кенэ Франсуа. Избранные экономические сочинения. – М.: Директмедиа Пабблишинг, 2008. – С. 296-301.
3. Столярова И.А. Антология экономической классики: В.Петти, А.Смит, Д.Рикардо. - М.: Ключ, 1993. – С. 99.

⁹ Вальрас Л. Элементы чистой политической экономии или теория общественного богатства. - М.: Экономика, 2000. – С. 52-53.

¹⁰ Fisher I. The nature of capital and income. - London: Macmillan & Co, 1991. – pp. 55-56.
<https://archive.org/details/natureofcapitali00fish/page/n19/mode/2up>

¹¹ Пигу А.С. Экономическая теория благосостояния. - М.: Прогресс, 1985. – С. 189-190.

4. Рикардо Д. Начала политической экономии и налогового обложения. – М.: Эксмо, 2007. – С. 144.
5. Блауг М. Экономическая мысль в ретроспективе. - М.: Дело, 1994. – 76.
6. Милль Дж. С. Основы политической экономии с некоторыми приложениями к социальной философии. - М.: Прогресс, 1981. – С. 44-47.
7. Вальрас Л. Элементы чистой политической экономии или теория общественного богатства. - М.: Экономика, 2000. – С. 52-53.
8. Пигу А.С. Экономическая теория благосостояния. - М.: Прогресс, 1985. – С. 189-190.
9. Киотский протокол к Рамочной конвенции Организации Объединенных Наций об изменении климата. https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/kyoto.shtml
10. Fisher I. The nature of capital and income. - London: Macmillan & Co, 1991. – pp. 55-56
<https://archive.org/details/natureofcapitali00fish/page/n19/mode/2up>